

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «27» 7

26-7-99-ХТ/2022-сон

Нуробод ш.

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Нуробод тумани Халқ таълими бўлими номидан О.Жангиров бир томондан ва бундан буён “ПУДРАТЧИ” деб аталувчи “Нурбулоқ Универсал хизмат” МЧЖ., номидан Э.Маматов, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар,

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” пудрат ишларини қабул қилиш ва тўлаш, “Пудратчи” эса буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги пудрат ишларини бажариш мажбуриятини олади:

№	Ишнинг номи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	18.07.2022 йилда берилган №24165 лотга асосан 17-мактабнинг 120 уринли қушимча биносини жорий таъмирлаш	520600000
	Жами:	520600000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **520 600 000 (Беш юз йигирма миллион олти юз минг) сўми**ни ташкил қилади.

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: «27» июл 2022 йил. Тугаши: «27» август 2022 йил.

Батафсил баёни

1	Нуксон далолатнома, смета ҳужжатларига асосан мактабни смета ҳужжатларига асосан жорий таъмирлаш
---	--

Алоҳида шартлар

1	Бажариладиган ишлари сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши шарт, бажарилган иш мутахассислар томонидан текшириб олинади
---	---

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорда (шартнома суммасидан 30% миқдорда) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70%ни жорий таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси Форма-2 асосида тўлайди.

2.2. Шартнома нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, Шартномага қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар якунлангандан кейин “Хизмат курсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 15 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Хизмат курсатувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича таъминлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда шартнома талаблари ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартнома шартларини бажарилишини бир томонлама рад қилиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижроси таъминланган тақдирда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиғи билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Хизмат ишлари бевосита Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан ишлар ҳажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги

- савдолар ёлиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар ёлиби бўлган етказиб берувчи билан Шартнома тузишни рад этиш муддатига роия этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги Шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Бажарилган ишларни танлаб олмаслик, шунингдек бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни ишларни бажарганда, ишларни қабул қилиб олшни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи пудратчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, хизмат курсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) ишлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорда жарима тўлайди

4.4. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўлиқ тўламаганлик учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5. Хизмат курсатувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича

етказиб бериш муддатлари, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича тақлиф этилаётган товарларга мувофиқлиги;

Кўриб чиқилган қирис: ШНОКОР/ЭШНОТ/ОК ШНОБИНО/ОИ/СН. Ҳужжат рақами: МС7038852323

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

5.1. Агар бажарилган ишлар сифати, стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

5.2. Ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, пудратчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6. “ПУДРАТЧИ” КҲЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- 6.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 6.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 7.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 7.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ўзаро ҳал этишга эришмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунларига асосан бевосита Иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.
- 7.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қарориди кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан тартибга солинади.

10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 10.1. Мазкур шартнома Ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал қилади.
- 11.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда Шартнома бажарилган ҳисобланади.
- 11.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

11. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.

- 11.1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилган қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.
- 11.2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига қура муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.
- 11.3. Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи» «Буюртмачи»
 1 1

"Нурбулок Универсал хизмат" МСНҲ

Нуробод туман Халқ таълими бўлими

Манзил: Самарқанд вил. Нуробод туман

Манзил Самарқанд вил. Нуробод тумани

Тел./факс
 х/в 20208000200905924001

Тел.факс 633-12-6
 х/в 100022860182

Банк номи: Нуробод т.АТ Халқ банк .Нуробод ф

Банк номи: Марка

МФО 00014 СТИР 305671942

МФО 00014 СТИИ

ОКОНХ

ОКОНХ 97600

Раҳбар Э.Маматов.

Раҳбар



кент ш.

О.Жангиров.



(имзо)

М.Ў.

М.Ў.

YURIDIK AHAMIYATGA YEGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

X U L O S A

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: “Nurbuloq Universal xizmat” ma’suliyati cheklangan jamiyati o’rtasida tuzilgan **520 600 000 so’m**lik 17-maktab binosini joriy ta’mirlash buyicha pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:
Nurobod tuman Xalq ta’limi bo’limi tomonidan 27.07.2022 yilda tuman YuXKMga huquqiy yekspertiza xulosasi olishlik uchun kiritilgan..

Loyiha amaldagi O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O’zbekiston Respublikasi “Xo’jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi tugrisida”gi Qonuniga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 27 iyul

Yuridik xizmat ko’rsatish markazi

Bosh yuriskonsulti



Sh.Shoropov